ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01080

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Дилором Мукимовна Ташпулатова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини кластер усулида ташкил этишнинг омиллари тахлил этилган.

Калит сўзлар: таълим, кластер, бошланғич, синф, жисмоний тарбия, машғулот, омил, таҳлил, тавсия.

ABSTRACT

The article analyzes the factors of organization of physical culture classes in primary grades.

Keywords: education, cluster, primary, class, physical culture, occupation, factors, analysis, recommendation.

КИРИШ

Бошланғич таълимда машғулотларни замонавий ва эхтиёжлар даражасида ташкил этиш вазифаси долзарб ҳисобланади [1]. Бу борада Жисмоний тарбия машғулотларини анъанавий усуллардан ташқари замонавий, технологик ва ноанъанавий асосларга таянган шаклларда ташкил қилиш мухим ҳисобланади. Чунки бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотлари асосан анъанавий усулда ташкил қилиниб, унда болаларнинг жисмоний хатти-ҳаракатини тўғри шакллантиришга асосий эътибор қаратиб келинмоқда.

МЕТОДОЛОГИЯ

Аслида бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотлари қуйидагиларга йўналтирилиши керак:

- болаларнинг жисмоний хусусиятларини тўғри ва тиббий жиҳатдан талабга жавоб берадиган тарзда шакллантириш;
- болаларнинг харакат органларини ёш ва руҳий ҳусусиятларига мос равишда ривожлантириш;
- болаларни жисмоний чиниқтириш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01080

- ўқувчиларни болалар спортининг турлари билан дастлабки босқичда таништириш.

Буларнинг барчаси бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини янгича асосларда ташкил этишни тақозо этади. Бунинг учун ноанъанавий машғулотлар усулларига таяниш кутилган самарани беради. Ана шундай усуллардан бири педагогик таълим кластеридир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўқитишнинг кластер усули мавжуд шарт-шароитлар, омиллар ва имкониятлар мажмуига қараб ташкил этилади [2]. Шу жиҳатдан бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этишнинг кластер усули механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг ёндашувимизга кўра, бу механизмларнинг асосий жиҳатларини қуйидагилар ташкил этади:

1. Имкониятларни ҳисобга олиш. Бунда бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини кластер усулида ташкил этиш учун қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- мактабнинг жисмоний тарбия машғулотларини талаб даражасида ўтказиш имкониятларига эгалиги;
- мактабнинг жисмоний тарбия машғулотларини олиб борувчи ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги;
- жисмоний тарбия машғулотларида назария ва амалий тушунчаларни уйғун бериш шароитларининг мавжудлиги.

Айнан мана шу имкониятларнинг мавжудлиги кластер усули воситасида машғулотларни ташкил этиш учун асос бўлади.

2. Жисмоний тарбия машғулотларини замонавий даражада ташкил этиш. Бунинг учун қуйидагиларга амалга қилиш керак бўлади:

- жисмоний тарбия машғулотларини бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ва руҳий хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг ривожлантиришга йўналтирилган тарзда ташкил этиш;
- жисмоний тарбия машғулотларини болалар спортининг барча турларини қамраб олган ҳолда ўтказиш;
- жисмоний тарбия машғулотларида ўқувчиларнинг болалар спортининг бирор тури бўйича лаёқатини шакллантириш;
- жисмоний тарбия машғулотлари натижасида ўқувчиларни болалар спорти турларига йўналтиришга эришиш.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01080

Бундай ёндашув жисмоний тарбия машғулотларини кластер усулида ташкил этиш воситаларини кучайтиради.

3. Жисмоний тарбия машғулотларини ҳамкорликда ташкил этиш. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини кластер усулида ташкил этиш учун юқорида таъкидланган икки омил мавжуд бўлса, шундан кейин машғулотларни ҳамкорликда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш кутилган самарани беради:

- мутахассислар ёрдамида ўқувчиларга болалар спорти турлари ва уларнинг аҳамияти тўғрисида аниқ тушунчалар бериш;
- ўқувчиларни мутахассислар ёрдамида болалар спорти турлари бўйича мунтазам машқ қилдириб бориш;
- иқтидорли ўқувчиларни мутахассислар ёрдамида болалар спорти турларига жалб қилиш;
- жисмоний тарбия машғулотларининг нисбатан кўп фоизини болалар спорти билан танишишга йўналтириш;
- мазкур кластер усулида жисмоний тарбия машғулотларини ташкил қилишда мутахассислардан ташқари мактаб психологи ва мактаб тиббиёт хамшираси ёрдамидан фойдаланиш;
- бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини кластер усулида ташкил этиш жараёнидан ота-оналарни хабардор қилиш;
- мактаб жамоасининг маслахати, тавсияси ва кўрсатмаларига таяниш;
- кластер усули асосидаги машғулотлар натижасида ўқувчиларда жисмоний соғломлик ва спортга бўлган қизиқишнинг юзага келганлигини баҳолаб бориш.

Эътибор берилса, кластер усулида жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этиш нафақат спорт турлари билан таништириш, балки унинг воситасида ўқувчиларни жисмоний жиҳатдан тўғри ривожлантириш ва уларда жисмоний соғломлик кўникмаларини шакллантиришга эришиш имкониятлари мавжуд[3].

Кези келганда таъкидлаш лозимки, кластер усулида машғулотларни ташкил этиш баъзи шароитлар ва имкониятларни тақозо этса-да, лекин унинг амалий самарадорлиги мухим ҳисобланади. Айни пайтда, ҳозирги умумтаълим мактабларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш имкониятлари мавжуд бўлиб, мактаб спорт заллари замонавий даражада жиҳозланган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01080

ХУЛОСА

Бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини кластер усулида ташкил этиш учун ўқитувчи асосий вазифани бажаради. Бунинг учун ўқитувчи кластер усулидаги машғулотларнинг асослари, уни ташкил этиш омиллари ва самарага эришиш йўлларидан хабардор бўлиши керак.

Шунингдек, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг ноанъанавий кластер усули каби шаклларидан ҳам сабоқ берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ўқитишнинг кластер усулида таълим берувчиларнинг кенг кўламда иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан бизнингча, бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотларини кластер усулида ўтказишнинг методларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. www. ziyonet.uz
2. Мухамедов Г.И., Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф,тасниф, таҳлил. –Чирчиқ, 2020.
3. Жабборова О.М., Бозоров Н.Н. Ўқитишнинг кластер усули. Academic research in educational sciences, Issue 4, 2020, pp 373-377.